# Тумандаги қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди

Ободлик, озодалик, поклик ва ҳамжихатлик каби фазилатлар халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Айниқса, ўтган аждодларимиз руҳлари қўним топган қабристон ва зиёратгоҳларни обод қилиш мақсадида турли хайрли тадбирлар ўтказилиб келинади.

Тумандаги "Ҳўжа Зоир Фаррух ота" қабристонида ҳудудни тартибга келтириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида семинар ташкил этилди.

Бу каби хайрли тадбирлар тумандаги мавжуд 11 та қабристон ва зиёратгоҳларида давом этмоқда.